


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*5111000 – Касб таълими (5231200 – Сугурта иши)*  
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



## **СҮЗ БОШИ**

### **1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент молия институти.
- Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази.

### **2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2012 йил «18» август даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган.

### **3. ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш хукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<b>5111000 - Касб таълими (5231200 – Сугурта иши) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи</b>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси.....	4
1.2.	5111000 –Касб таълими (5231200 – Сугурта иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи .....	5
2.	<b>5111000 – Касб таълими (5231200 – Сугурта иши) бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....</b>	6
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.2.	5111000 – Касб таълими (5231200 – Сугурта иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари.....	7
3.	<b>5111000 –Касб таълими (5231200 – Сугурта иши) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....</b>	8
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	9
3.2.	5111000 – Касб таълими (5231200 – Сугурта иши) бакалавриат таълим йўналиши малакавий амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар .....	10
3.3.	5111000 – Касб таълими (5231200 – Сугурта иши) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ...	12

## **1. 5111000 – Касб таълими (5231200 – Сугурта иши) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи**

**5111000 – Касб таълими (5231200 – Сугурта иши)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва мос малака(даражаси) ҳамда фан дастурининг меъёрий муддати 1-жадвалда келтирилган.

### **1-жадвал**

#### **Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ҳамда битирувчиларнинг малака(даражаси)**

<b>Ўқув режа ва фан дастурининг номи</b>	<b>Малака (даражаси)</b>	<b>Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати</b>
Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

#### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5111000 – Касб таълими (5231200 – Сугурта иши)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлгандা малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш хукуқига эга деб хисобланади.

#### **1.1.3. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:**

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқутарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув - услубий бошқарма (бўлим) бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалавриат таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш хукуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. 5111000 – Касб таълими (5231200 – Суғурта иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. 5111000 – Касб таълими (5231200 – Суғурта иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**5111000 – Касб таълими (5231200 – Суғурта иши) бакалавриат таълим йўналиши** – Касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, суғурта компанияларида суғурта ишини ташкил этиш, кўрсатиладиган суғурта хизматлар сифатини яхшилаш, кадрлар суғурта маркетинги тадқиқотларини ўтказиш, суғурта муносабатларини тартибга солиш, меҳнат ресурслари балансини тузиш, аҳолини ҳар хил баҳтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. 5111000 – Касб таълими (5231200 – Суғурта иши) таълим йўналиший йўналишлари бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари:**

Касб-хунар таълими муассасалари, барча давлат ва нодавлат хўжалик юритувчи субъектлар, суғурта фаолиятини ташкил этиш, суғурта бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳолини суғурта қилиш билан боғлиқ муносабатларини тартибга солиш, аҳолига кўрсатиладиган суғурта хизматлари бўйича сийловлар бериш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жараёнлари ҳисобланади.

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият обьектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**5111000 – Касб таълими (5231200 – Суғурта иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қўйидагиларни қамраб олади:**

• касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун иқтисодий фанлардан ўқув-услубий мажмуаларни ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш;

• касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид иқтисодий фанларни ўқитиш;

• педагогик ва психологик билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ўқув жараённада татбиқ этиш;

• кичик мутахассисларни тайёрлаш жараёнларини таҳлил қилиш, оптималлаштириш, замонавий педагогик ва инновацион технологиялар ҳамда интерактив методларни қўллаш;

• суғурталаш қоидалари ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш юзасидан қарорларни қабул қилиш;

• суғурта операцияларини синтезлаш ва оптималлаштириш, суғурта тарифларининг илмий асосланишини таъминлаш;

• суғурталовчининг инвестицион сиёсатини амалга оширилиш жараёнларини ташкил этиш;

• суғурта захираларини шакллантириш бўйича ҳисботлар тузиш;

• суғурта маҳсулотларини сотиш жараёнларини бошқариш ва воситачиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

• суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва бартараф этиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш;

• суғурта фаолияти юзасидан бизнес-режани ишлаб чиқиш;

• суғурта обьектини таҳлил қилиш ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш;

• суғурта ишининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш;

• суғурта ташкилоти фаолиятини бюджетлаштириш, суғурта портфели шаклланишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

- сүфурта фаолиятида маркетингни самарали қўллаш орқали, сүфурталовчининг рақобатдошлигини таъминлаш;

- таълимнинг электрон воситаларидан фойдаланиш.

#### **1.2.3. Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

- Педагогик (*урта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида*);
- Молиявий-иқтисодий;
- Ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- Ташкилий-бошқарув;
- Илмий тадқиқотни ўз ичига олади.

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

#### **1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр касб-хунар таълим муассасаларида маҳсус фанларни ўқитиши мумкин.

##### **1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5111000 - “Касб таълими (5231200 – Сугурта иши)”** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

**5A110001 – Касб таълими (мутахассисликлар бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

#### **2. 5111000 – Касб таълими (5231200 – Сугурта иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

##### **2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

- дунёкаш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- табиат ва жамиятда кечётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошка инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи хуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлashi ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

- таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлишга;
- тегишли бакалавриат йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. 5111000 – Касб таълими (5231200 – Сугурта иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Педагогик фаолиятда (касб-хунар таълими тизимида):**

- касб-хунар таълимининг тайёрлов йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўtkазиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўtkазилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўtkазиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;
- бюджетни ягона ҳисоб орқали бошқаришни, бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларини, бюджет даромадлари ва харажатлари ижросини ташкил этиш бўйича молия органларида иш юритиш, баҳолаш ва аудиторлик текширувларини ўtkазишда замонавий методларни қўллаш;
- касб-хунар таълими соҳалари фаолиятини таҳлил қилиши;
- давлат ва корпоратив тузилмаларнинг молиявий фаолиятини ташкил қилиш, баҳолаш ва аудиторлик текширувларини ўtkазишда замонавий методларни қўллаш;
- мустақил таълим ва ижодий тадқиқот натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа жабҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш **лаёқат (компетенция)га эга бўлиши лозим.**

**Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

- суғурта ташкилотлари молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-хукукий хужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- суғурта бозорида маркетинг тадқиқотларини ўtkазиш;
- суғурта ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаш;
- суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш **лаёқат (компетенция)га эга бўлиши лозим.**

**Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида билим, қўнирма, малака, компетенция:**

- бсуғурта соҳасидаги маълумотларни йигиш, қайта ишлиш, таҳлил қилиш усулларини билиш;
- иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- суғурта ташкилотлари фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;
- суғурта бозори кўрсаткичилари динамикаси ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;
- суғурта ташкилотларининг молиявий ва статистик ҳисботларини тузиш ҳамда таҳлил қилиш;
- суғурта хизматларини кўрсатишда ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш **лаёқат (компетенция)га эга бўлиши лозим.**

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва

татбиқ қилиш;

–суғурта хизматини күрсатиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

–суғурта иши ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

–суғурта хизматини күрсатиш жараёнида маркетинг фаолиятини бошқариш;

–бошқарув қарорини қабул қилиш;

–ишни ташкил қилиш ва уни бошқариш;

–суғурта фаолиятини амалга ошириш бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва натижаларини баҳолаш;

–суғурта хизматини кўрсатиш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторингини юритиш **лаёқат (компетенция)га эга бўлиши лозим.**

#### **Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

–суғурта ташкилотларида ишчи кучига сарфланадиган харажатларни ишлаб чиқиш;

–меҳнат унумдорлигини ўлчаш ва уни ошириш имкониятларини аниқлаш;

–ходимларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш;

–иш ўринларини ташкил этиш ва таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш.

–суғурта бозорини конъюнктуравий ҳолатининг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

–илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантериш ва улардан фойдаланиш **лаёқат (компетенция)га эга бўлиши керак.**

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- суғурта фаолияти бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

- суғурта соҳасига тегишли ютуқларни, маҳсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;

- мавзу бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

- интернет тармоғидан янги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жалб этиш **лаёқат (компетенция)га эга бўлиши керак.**

### **3. 5111000 – Касб таълими(5231200 – Суғурта иши) бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**5111000 – Касб таълими (5231200 – Суғурта иши )** бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талabalарнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

–гуманитар ва табиий-илмий;

–умумкасбий;

–ихтисослик;

–қўшимча.

Касб фаолияти кўнимкамларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талabalар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

### **3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

#### **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидағи гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки таркибига киритилган биринчى 6 та фанга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

#### **Мазкур блокнинг бошқа фанлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:**

–умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, эконометрика ва мураккаб иқтисодий тизимлар ҳамда жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

–табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиши концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

–таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

–иқтисодий объектлар ва жараёнларнинг миқдорий ўзаро боғлиқлигини математик ва статистик методлар ва моделлар ёрдамида ўрганиши лозим.

#### **Умумкасбий фанлар блоки:**

– гуманитар ва табиий-илмий фанлар билан маҳсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

– таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий назарий-амалий билим ва кўникмаларни шакллантириши;

– иқтисодий қонунлар ва категориялар, иқтисодий жараён ва ҳодисалар моҳиятини тушуниш, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш механизмларини билиши;

– корпоратив бошқарув тизимида қарорларни қабул қилиш ҳамда микроиқтисодиётнинг асосий категориялари, макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш орқали пул-кредит, бюджет-солиқ ва ташқи иқтисодий сиёsatни амалга ошириш юзасидан кўникмаларини шакллантириши;

– статистика амалиётида кўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш;

– менежмент ва маркетинг асосларини билиши, функция, усул ва тамойилларини чуқур ўрганиши, қарорларни қабул қилиш ва улар ижросининг назоратини олиб бориши;

- иқтисодий ғояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари, миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари, иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хуносалар чиқариши;

- бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, пул, кредит, суғурта иши, молия бозори фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаши;

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг солик ҳисобини юритиш, соликка тортиш амалиётини ўтказиши;
- хизмат кўрсатиш субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш, аудит ва иқтисодий таҳлилни ўтказиши;
- суғурта фаолиятини ташкил этиши, суғурта бозорини ривожлантириши ва тартибга солиш ҳамда ахолига сифатли суғурта хизматларини кўрсатилишини таъминлаши бўйича билимга эга бўлиши;
- глобаллашув шароитида рақобат назариясининг замонавий тенденциялари, рақобатнинг инновацияларни татбиқ этиш, алоҳида истеъмолчилар гурухига йўналтирилганлик ҳамда концентрация стратегиялари, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва уни баҳолаш услубияти ҳақида тасаввурларга эга бўлиши;
- шахснинг характери, темпераменти, қобилияти ва иқтидорига кўра, касбга доир билим, кўникма, малакани эгаллаши ва уни ривожлантириши;
- касбий педагогиканинг тадқиқот методлари, лаёкат, копетенция, касбий мотив ва мотивация, шахснинг касбий педагогик билимга эга бўлиши;
- касб таълим методикаси, иқтисодий фанларни ўқитишнинг замонавий методларидан фойдалана олиши ва иш фаолиятида қўллашқўникмаларига эга бўлиши лозим.

#### **Ихтисослик фанлар блоки:**

- соҳа бўйича маҳсус билимларни, касбий фаолият кўникмалари ва малакаларини шакллантириши;
- соҳа бўйича маҳсус билимларни, касбий фаолият кўникмалари ва малакаларини шакллантириши;
- тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича маҳсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;
- суғурта ташкилотлари капиталига киритилган ва улар томонидан қилинган инвестициялар самарасини баҳолаш ҳамда тартибга солиш;
- суғурта бозори конъюктурасига мос равища суғурта ташкилотларининг ишлаш механизмини аниқлаши, меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаши, иш вақти фондини тузиш ва ундан фойдаланишни иқтисодий таҳлил қилиши;
- таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

#### **Кўшимча фанлар блоки**

- таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича кўшимча равища чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;
- меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;
- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фандастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;
- касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

#### **Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. 5111000 – (5231200 – Суғурта иши) бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар.**

5111000 – (5231200 – Суғурта иши) бакалавриат таълим йўналишида малакавий амалиёт қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

- ўқув-танишув;
- ишлаб чиқариш;
- педагогик;
- битирув олди.

**Ўқув-танишув амалиёти** - Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари, суғурта фаолиятини ташкил этиш, суғурта бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳолини суғурта қилиш билан боғлик муносабатларини тартибга солиш, аҳолига суғурта хизматлари кўрсатувчи корхоналар фаолияти ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жараёнлари билан умумий тарзда таништириш ҳамда уларда фаолият юритиш кўнкимларини шакллантириш мақсадида ўтказилади.

Бу жараён:

- суғурта ишининг назарий - амалий асослари, суғурта, суғурталар соҳасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усуслари;
- суғурта назарияси, амалиёти ва тадрижий ривожланиш босқичлари ҳамда истиқболи;
- суғурта фаолияти ва аҳолига суғурта хизматлари кўрсатиш билан боғлик бўлган Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари;
- Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунлари ҳамда меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар;
- суғурта ташкилотлари молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими соҳалари фаолияти;
- Ўзбекистон Республикасида ўрта маҳсус касб хунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш дастурлари кўнкимларни шакллантиришига қаратилган.

**Ишлаб чиқариш амалиёти** - ихтисослик фанлари блоки таркибидаги фанлардан ўтказилади. Таълим йўналиши талабаларида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида мустақил ишлаш кўнкимларини қарор топтириш мақсадида ўзлаштирган билимларини амалиёт билан узвий боғлиқликда мустаҳкамлашини таъминлашга қаратилган.

Ишлаб чиқариш амалиёти:

- суғурта фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш, ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш;
- суғурталаш қоидалари ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўллаш юзасидан қарорларни қабул қилиш, амалга ошириш ҳамда таҳлил этишни ташкил қилиш;
- суғурта маҳсулотларини сотиш жараёнларини бошқариш ва воситачиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- суғурта ташкилоти фаолиятини бюджетлаштириш, суғурта портфели шаклланишини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- суғурта фаолиятида маркетингни самарали кўллаш орқали, суғурталовчининг рақобатдошлигини таъминлаш бўйича кўнкимларни эгаллашига қаратилган.

**Педагогик амалиёт** - талабаларни касб-хунар коллажларида ўқув, ўқув-методик, ўқув-илмий-педагогик тадқиқотларни ташкил қилиш ва талабаларни мос профилдаги муассасаларига ишга жойлаштириш имкониятлари билан таништиришdir.

Касб-хунар таълим муассасаларida ўқув йилининг тўртинчи йилида ўтказилади. Касб-хунар таълим муассасаси тузилмасини, директив меъёрий ҳужжатларни, тайёрлов йўналишларини, ўқитиладиган фан асосларини, муассаса тузилмаси бўйича фаолият кўрсатаётган ходимлар ишларини кузатиш, таҳлил қилиш, меъёрий ҳужжатларни ўрганиб, улардан амалиётда фойдалана олишни, касб-хунар коллажларидағи ўқув тарбиявий ишлар бўйича назарий ва амалий билимларни, танлаган касби бўйича олган назарий билимларини амалиётга татбиқ этишни ўрганадилар.

Битиувчи амалиёт ўташ жараёнида битиув иши мавзусига доир маълумотлар, материаллар ва бошқа манбалар базасини шакллантиради.

Педагогик амалиётни ўтказиш муддатлари ўкув режаси билан аниқланади.

**Битиув олди амалиётида** талаба битиув малакавий иши мавзуси бўйича илмий-назарий ишланмаларни ўрганиш жараёнида орттирган тадқиқ манбаларини амалий, статистик маълумотлар билан асослаши, инновацион иқтисодиёт ривожланиши шароитида соҳа муаммоларини аниқлаши ҳамда уларнинг аниқ ечимини ишлаб чиқиши кўникмасини орттириши, битиув малакавий иши мавзусига доир маълумотлар, материаллар ва бошқа манбалар базасини шакллантириши назарда тутилган.

Бунда:

- битиувчини бевосита малака талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш;
- ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш;
- жамоада ташкилотчилик ва раҳбарлик тажрибасини орттириш;
- суғурта фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш, суғурта ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш, суғурта рискларини таҳлил этиши ва уни баҳолаши, суғурта ташкилоти фаолиятини бюджетлаштириш, суғурта портфели шаклланишини ташкил этиш ва назорат қилиш ҳамда суғурталовчининг инвестицион сиёсатини шакллантириш билан боғлиқ замонавий муаммоларни илмий-амалий фаолият орқали ўрганиш, билан боғлиқ илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқиши юзасидан зарур кўникмалар шакллантирилади.

Малакавий амалиётни ўташ муддатлари ўкув режаси графигида мувофиқлаштирилган. Унинг якунода талаба дастур доирасида бажарган ишлари бўйича хисобот тайёрлайди ҳамда кафедра таркибидан шакллантирилган комиссия олдида уни химоя қиласди.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши унда касбий компетенцияни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. Битиувчи кафедранинг илмий фаолиятида фаол иштирок этиши, курс ишлари, малакавий амалиёт мақсадли бажарилиши ва узвий равишда битиув малакавий ишининг асосий манбаси бўлишини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш юзасидан қўйидаги шарт-шароит таъминланиши керак:

- илмий ишларнинг мавзулари рўйхати билан талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;
- кадр тайёрловчи факультет(кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун талабаларни белгиланган меъёр даражасида таъминлаш;
- ОТМнинг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитни яратиш;
- талабалар илмий-амалий конференцияларини ташкил қилиш.

**Битиув малакавий ишига қўйиладиган талаблар:**

Талабаларнинг битиув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битиув малакавий иши мавзулари соҳанинг ривожланиш стратегияси, шунингдек, фан-технологиялар ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини инобатга олган ҳолда ОТМнинг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битиув малакавий иш мавзулари илмий-назарий ёки назарий-амалий йўналишида бўлиши мумкин.

Битиув малакавий иш топшириги учинчи курснинг иккинчи ярим йиллиги давомида талабалар эътиборига етказилади ҳамда мавзуларнинг танлови амалга оширилади. Битиув малакавий иши малака талабида белгиланган вақт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар бити-рувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида кафедра томонидан белгиланади.

**3.3. 5111000 – Касб таълими (5231200 – Суғурта иши) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишининг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қўйидагича тақсимланади:

назарий ва амалий таълим -	58,8 %;
аттестация -	8,8 %;
таътил -	15,7 %;
малакавий амалиёт -	14,7 %;
битирув малакавий иши -	2,0 %.

Назарий таълим ҳажми “Гуманитар соҳа” билим соҳасига мувофик фанлар блоклари бўйича қўйидагича тақсимланади:

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	27,62 %;
умумкасбий фанлар	36,02 %;
ихтисослик фанлар	31,02 %;
кўшимча фанлар	5,34 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 9 ҳафта қилиб белгиланади.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг асосий таълим дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, суғурта, суғурталовчи, суғурталанувчи, суғурта агенти, риск, суғурта обьекти, суғурта андеррайтери, суғурта сюрвейери, суғурта мукофоти, суғурта суммаси, суғурта шартномаси, суғурта полиси, суғурта портфели, суғурта тарифи, ихтиёрий суғурта, мажбурий суғурта, шахсий суғурта, мулк суғуртаси, жавобгарликни суғуртаси, суғурта захираси, қайта суғурта.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим  
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Тошкет молия институти



Ректор

**Н.Х.Хайдаров**

201

йил «

»

М.Ү.

М.Ү.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
Касб-хунар таълими маркази  
директори



**М.Холмухamedov**

201

йил «

»

М.Ү.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус,  
касб-хунар таълимини  
Ривожлантириш маркази

Директор

**Б.Х.Рахимов**

201

йил «

»

М.Ү.

“Ўзагросуғурта” АЖ бошқарув  
раиси

**С.Холхўжаев**

201

йил «

»

М.Ү.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти



Ректор

**М.Э.Пўлатов**

201

йил «

»

М.Ү.

Тошкент Банк коллежи

директор

**А.Махмудов**

201

йил «

»

М.Ү.





**Илова**

**5111000 – Касб таълими (5231200 – Сүгурта иши) йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

Т/р	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
<b>1.00</b>	<b>Гуманитар ва табиий-илемий фанлар</b>	<b>1662</b>
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти.	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил	356
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт*	128
1.08	Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари	172
1.09	Иқтисодчилар учун математика	348
1.10	Эконометрика	90
1.11	<i>Танлов фанлари</i>	70
<b>2.00</b>	<b>Умумкасбий фанлар</b>	<b>2930</b>
2.01	Иқтисодиёт назарияси	278
2.02	Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт	224
2.03	Статистика	198
2.04	Менежмент. Маркетинг	168
2.05	Молиявий ва бошқарув ҳисоби	198
2.06	Молиявий таҳлил	186
2.07	Аудит	198
2.08	Солиқлар ва солиққа тортиш	186
2.09	Баҳолаш иши	186
2.10	Хизмат кўрсатиш субъектларида бухгалтерия ҳисоби	106
2.11	Касбий психология	186
2.12	Иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси	224
2.13	Касбий педагогика	336
2.14	<i>Танлов фанлари</i>	256
<b>3.00</b>	<b>Ихтисослик фанлари</b>	<b>1560</b>
3.01	Суғурта иши	534
3.02	Рискология	164
3.03	Суғуртанинг дастурий комплекслари	76
3.04	Халқаро суғурта бозори	106
3.05	Молия	188
3.06	Инвестиция ва инновациялар	188
3.07	Пул ва банклар	140
3.08	<i>Танлов фанлари</i>	164
	<b>Қўшимча фанлар</b>	<b>328</b>
	<b>Жами</b>	<b>6480</b>
	Малакавий амалиёт	1620
	Битирув малакавий иши	216
	Аттестациялар	972
	<b>Жами</b>	<b>2808</b>
	<b>Ҳаммаси</b>	<b>9288</b>

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Тошкент банк коллежи, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги ривожлантириш маркази томонидан тақдим этилаётган 5111000 – Касб таълими (5231200 – Суғурта иши) бакалавриат йўналиши учун янгидан киритилаётган малака талабларига киритилаётган қадрлар истеъмолчиларининг таълим таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари**

T/p	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши	Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари
шифри	номи	
1	5111000 – Касб таълими (5231200 – Суғурта иши)	<p>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>–ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;</li> <li>–ўқув жарабёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;</li> <li>–ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;</li> <li>– бюджетни ягона ҳисоб орқали бошқаришни, бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларини, бюджет даромадлари ва харажатлари ижросини ташкил этиш бўйича молия органларида иш юритиш, баҳолаш ва аудиторлик текширувларини ўтказишда замонавий методларни қўллаш;</li> <li>–ўрта маҳсус, касб-хунар таълими соҳалари фаолиятини таҳлил қилиши;</li> <li>– давлат ва корпоратив тузилмаларнинг молиявий фаолиятини ташкил қилиш, баҳолаш ва аудиторлик текширувларини ўтказишда замонавий методларни қўллаш;</li> <li>–мустакил таълим ва ижодий тадқиқот натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа жабхаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;</li> <li>–суғурта ташкилотлари молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;</li> <li>–бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;</li> </ul>

–сугурта бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;  
–сугурта ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни хисоблаш усууларини қўллаш;  
–сугурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чикиш;  
–сугурта соҳасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усууларини билиш;  
–сугурта ташкилотлари фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;  
–сугурта бозори кўрсаткичлари динамикаси ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;  
–сугурта ташкилотларининг молиявий ва статистик хисоботларини тузиш ҳамда таҳлил қилиш;  
–сугурта хизматларини кўрсатишда ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш;  
–сугурта хизматини кўрсатиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;  
–сугурта иши ечимларини амалиётга татбиқ этиш;  
–сугурта хизматини кўрсатиш жараённада маркетинг фаолиятини бошқариш;  
–сугурта фаолиятини амалга ошириш бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва натижаларини баҳолаш;  
– сугурта хизматини кўрсатиш жараёнларининг атроф-мухит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторингини юритиш **компетенцияга эга бўлиши лозим**.

Тошкент молия институти  
Ўқув ишлари бўйича проректори

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигинийт  
Касб-хунар таълими маркази директори

Тошкент банк коллежи директори

И.Н.Қўзиев

М.Холмуҳамедов

А.Махмудов



Тошкент молия институти «Касб таълими” кафедраси профессор-  
ўқитувчилари ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мини  
ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган  
**5111000 - Касб таълими (5231200 - Сугурта иши)** бакалавриат йўналишининг  
малака талабларига

## ТАҚРИЗ

Тошкент молия институтининг «Касбий таълим” кафедраси профессор-  
ўқитувчилари ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мини ривожлантириш  
маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “5111000 - Касб таълими  
(5231200 - Сугурта иши)” бакалавриат йўналишининг малака талаблари қуидаги  
бўлимларни: бакалавриат йўналишининг умумий таснифи, йўналиш бўйича  
бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, таълим  
йўналиш ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий  
талабларни ўз ичига олган.

Малака талабларида бакалавриат йўналишининг умумий таснифи, қўлланиш  
соҳаси, малака талабларининг асосий фойдаланувчилари, бакалаврлар касбий  
фаолиятининг таснифи; бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари ва  
объектлари, таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг  
турлари, бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар,  
таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган  
малака талаблари, йўналиш ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига  
қўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми,  
библиографик маълумотлар, ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий  
таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари ҳақида маълумотлар  
берилган.

Умуман, Тошкент молия институтининг «Касбий таълим” кафедраси  
профессор-ўқитувчилари ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мини  
ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “5111000 -  
Касб таълими (5231200 - Сугурта иши)” бакалавриат йўналишининг малака  
талаблари тасдиқлашга тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
Касб-хунар таълими маркази директори

М.Холмухамедов



Декрет

## **5111000 – Касб таълими (5231200 – Сугурта иши) бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқилишига**

### **ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

5111000 – Касб таълими (5231200 – Сугурта иши) бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқида қуйидаги меъёрий-хуқуқий хужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги З-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Дастури”да белгиланган вазифалар, 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарор.

Малака талабини ишлаб чиқида бакалавриат йўналиши битиувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек Президент, Вазирлар Маҳкамасининг таълим-тарбияга йўналтирилган қарор-фармонларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чукур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўнишка шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик

шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирудиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-коидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги – унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талабларидан четланишнинг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқиша мухим аҳамият касб этади.

**5111000 – Касб таълими (5231200 – Суғурта иши)** бакалавриат таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёrlари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқиша мамлакат ижтимоий-иктисодий тарақиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуклари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратилди, олий таълим малака талабларини ҳалкаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

ТМИ, Касбий таълим кафедраси  
мудири, и.ф.н., доцент

Ш.А.Аллаёров



**Тошкент молия институти «Касбий таълим” кафедраси профессор-  
ўқитувчилари ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини  
ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган  
5111000 - Касб таълими (5231200 – Суғурта иши) бакалавриат йўналишининг  
малака талабларига**

**ТАҚРИЗ**

Тошкент молия институтиning «Касбий таълим” кафедраси профессор-ўқитувчилари ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “5111000 - Касб таълими (5231200 – Суғурта иши)” бакалавриат йўналишининг малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 199-сонли қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2015 йил 15 январдаги 12-сонли буйруғи ҳамда Вазирликнинг 2016 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида”ги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридаги 14-бандининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Даствури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Даствури”да белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга ҳамда халкаро тажрибаларга асосан тайёрланган.

Ушбу малака талаблари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни акс эттириб, бевосита соҳага тегишли юкори сифатли, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга қаратилган.

Малака талаблари қўйидаги бўлимларни ўз ичига олган:

- Бакалавр йўналишининг умумий таснифи;
- Бакалавр йўналиши бўйича бакалварларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;
- йўналиш ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.

Бизнинг фикримизча, Тошкент молия институтиning «Касбий таълим” кафедраси профессор-ўқитувчилари ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “5111000 - Касб таълими (5231200 – Суғурта иши)” бакалавриат йўналишининг малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил

10 июлдаги 199-сонли қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги З-сон қарорига асосан тайёрланган.

Умуман олганда, Тошкент молия институтининг «Касбий таълим” кафедраси профессор-ўқитувчилари ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “5111000 - Касб таълими (5231200 – Сугурта иши)” бакалавриат йўналишининг малака талаблари тасдиқлашга тавсия этилади.

Тошкент Банк коллеки  
директори



А. Махмудов

Тошкент молия институти «Касбий таълим» кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамда Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган 5111000 - *Касб таълими* (5231200 - *Сугурта иши*) бакалавриат йўналишининг малака талабларига

## ТАҚРИЗ

Тошкент молия институтиning «Касбий таълим» кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамда Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “5111000 - *Касб таълими* (5231200 - *Сугурта иши*)” бакалавриат йўналишининг малака талаблари қуидаги бўлимларни: бакалавр йўналишининг умумий таснифи, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, йўналиш ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талабларни ўз ичига олган.

Ушбу малака талаблари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни акс эттириб, бевосита соҳага тегишли юқори сифатли, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга қаратилган.

Бизнинг фикримизча, Тошкент молия институтиning «Касбий таълим» кафедраси профессор-ўқитувчилари ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “5111000 - *Касб таълими* (5231200 - *Сугурта иши*)” бакалавриат йўналишининг малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги 199-сонли қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Дастури”да белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга асосан тайёрланган.

Умуман олганда, Тошкент молия институтиning «Касбий таълим» кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамда Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “5111000 - *Касб таълими* (5231200 - *Сугурта иши*)” бакалавриат йўналишининг малака талаблари тасдиқлашга тавсия этилади.

ТМИ, Сугурта иши кафедраси  
мудири, и.ф.н, доцент

И.Х.Абдурахмонов

